# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1995 йил, 26 декабр

29- сон


## ЙЎНАЛИШ: ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Ҳаётимиз мазмундор миллий қонунлар билан мустаҳкамланиб бормоқда. Олий Мажлиснинг ўтган ҳафта бўлиб ўтган сессияси буни яна бир карра исботлади. Унда ўнлаб муҳим қонунлар қабул қилинди, ўнлаб қонунларга асос солинди. Мамлакат Президенти ўз нутқида қайта-қайта таъкидлаб айтганидай, жамиятимизда ижтимоий тартиб-низом ва уйғунликка эришиш учун жиддий интилишлар кучаймоқда. Қонун ижодкорлиги замонавий давлатчиликнинг энг муҳим йўналиши сифатида ҳам кенг миқёсдаги ислоҳотларни муваффақиятли олиб боришда, ҳам мамлакатнинг жаҳон иқтисодий, сиёсий, маданий, ҳуқуқий тизимларидан муносиб ўрин эгаллашида беқиёс аҳамият касб этади.

Давлат ислоҳотларни ўз-ўзи учун эмас, балки халқ, алоҳида олинганда ҳар бир одам учун олиб бормоқда. Давлат одамларининг турли ҳаётий манфаатларини фақат қонунлар билангина тартибга солади ва адолатли тарзда амалга оширади. Президент айтмоқчи, янгича ижтимоий интилишлар, демократик андозалар, бошқариш ва яшайиш шакллари адолатли миллий қонунлар заминидагина пайдо бўлади.

Президент нутқининг бош пафоси ҳам, сессия кун тартибининг мазмундор мундарижаси ҳам бутун мустақил давлат ҳаётини ўта реалистик изга солиш, пайдо бўлаётган барча масалалар ва муаммоларни реалистик тарзда ҳал этиш, ижтимоий ҳаётни тобора эркинлаштириш руҳи остида кечди.

Сессиянинг ана шу реалистик руҳи кишилар қалбларига умид муждаларини олиб кирди.

Ҳуқуқий давлат қонунлар риоясига қанчалик қатъий ирода билан турса, фуқароларнинг давлатга ишончи шунчалар ортади Ҳар қандай ислоҳот эса илм ва ишонч билангина юзага чиқади.

Конфусий айтган экан: адолат ҳукмрон ерда қашшоқ ва ғариб бўлмоқ уятдир. Худди шунингдек, адолат йўқ ерда — бой ва савлатли бўлмоқ ҳам уят.

Ўзбекистон ўз орзу-оъмолларида биринчи йўлни танлади. Ва эндиликда шу йўлдан ҳеч оғишмай ўз равнақи сари боради.

Хўш, адолат ҳукм сурган ерда қашшоқ ва ғариб бўлиш уят, бу ўзи нима дегани?

Адолат қонунлар билан таъминланади. Албатта, адолат борасида одамларнинг тушунчалари шунчалар хилма-хил, ранг-барангки, уларни ҳатто бир ерга жамлаб ифодалашнинг имкони йўқ. Лекин Конфусий ҳикматида гап инсоният ўз онгли турмуш тажрибалари давомида ҳосил қилган, барча учун баробар аҳамият, қимматга эга бўлган ижтимоий адолат ҳақида бормоқда. Ижтимоий адолат инсон имкониятларини тенг рўёбга чиқариш учун яратилган шароит ва имкониятлар жамидир.

Шунинг учун ҳам, қонунлар қанча адолатли бўлса, ва адолат ҳам қанча қонуний бўлса, одамларнинг фаровонлиги, бахт-саодати учун шунчалар кенг йўллар ва тенг имкониятлар очилади. Тенг имкониятлар мавжуд бўлганда, инсон ғариблик, мискинлик ва қашшоқликдан тез халос бўлади ва бошқа бу мушкул нарсаларнинг домига тушмайди.

Машҳур композитор Родион Шедрин яқинда бир мухбирнинг: «Европаликларнинг камчиликлари ҳам борми?»— деган саволига жуда ҳам қизиқ жавоб берди. Чунончи у шундай деди:

«Албатта. Агар немислар ҳақида айтадиган бўлсак, улар жуда ҳам қонунга риоя қиладилар. Рус кишиси нуқтаи назаридан ҳатто ҳаддан ташқари риоя қиладилар. Айтайлик, йўлда машиналар тиқилиб тўхтаб қолди. Немислар нима қилишади денг? Вазминлик билан кутиб туришади. Биз, яъни мен Майя Михайловна билан нима қиламиз? Йўл қидирамиз, қонун-қоидаларни бузамиз ва ярим соатдан сўнг ўзимизга керак ерга етиб оламиз. Шундай ҳодисалардан биридан кейин бир дўстимга қўнғироқ қилиб айтдимки, мен немислар урушда нимага енгилганликларини энди-энди тушунгандай бўлдим, дедим».

Родион Шедрин қонунга риоя қилиш билан қонунбузарликни ана шундай тушунтиради. Қонунбузарликни одамни йўлдан адаштирувчи демонлар қаторига киритади.

Лекин немислар тўла маънода ижтимоий бахт-саодатга эришган халқ. Улар қандай яшаш ва қандай яшамаслик йўл-йўриқларини мукаммал қидирганлар ва мукаммал топганлар ва яна уларга мукаммал риоя қиладилар.

Ростдан ҳам, қонунларга риоя қилувчи халқ чинакам бахтлидир.

Қонунларни тинмай бузадиган, менсимайдиган, уни ҳар дамда поймол қилиб турадиганлар эса, чиндан ҳам демонлар чангалига тушганлар ва уларнинг кулфатлари, қашшоқликлари, жиноятчиликларининг чек-чегараси йўқдир.

Чунки қонун бу аслини олганда, энг етук адабдир. Адаб — хулқлар ва қонун-қоидаларнинг маърифатли жамидир. Адабга риоя қилмаслик — қонунга риоя қилмасликнинг ўзгинасидир. Бу ҳақда Конфусий шундай деган экан: «Адабга риоя қилинмаган ҳурмат — хираликка айланади, адабга риоя қилинмаган эҳтиёткорлик — қўрқоқликка айланади. Адабга риоя қилинмаган ботирлик — исёнга айланади. Адабга риоя қилинмаган тўғрилик — қўполликка айланади». Шарқона ва умуминсоний қонун қадриятининг маъноси шунда.

**МУҲАРРИР**

## ИСТИҚЛОЛНИНГ ҲАЁТИЙ ҒОЯЛАРИ

### ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ПЛЕНУМИДА

Ўзбекистонда Миллий тикланиш неча минг йиллик маданий-маърифий -маънавий мерос, ўтган асрнинг иккинчи ярми ва йигирманчи асрнинг бошларида ғайрат билан бошланган маърифатпарварлик, миллатпарварлик ва сиёсий мустақиллик ҳаракатлари ғоялари, мамлакат Президентининг теран ижтимоий, сиёсий, иқтисодий қарашлари ва ниҳоят бугунги ақлий меҳнат кишиларининг фикрлари, орзу-интилишлари заминида рўёбга чиқади.

Шулар образлироқ тарзда айтиладиган бўлса, Ўзбекистон миллий тикланишининг устунлари, яна ҳам тўғрироғи, тўрт бош устунидир.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ҳам мана шу ғоялар, мамлакатда бугун вужудга келган олижаноб муҳит, фикрлар ранг-баранг қайнаган шароитда, истиқлол ва унинг эркин мафкурасининг асил меваси тарзида дунёга келган эди. Унинг яшаб, ўзини ўзи ташкил этаётганига ва шу жараёнда халқимизга ўзини танитаётганига мана олти ойдан ошди.

Куни кеча, 19 декабрда Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг иккинчи пленуми бўлиб ўтди. Пленумда қисқа вақт ичида ташкил топган иш-тарғибот йўналишлари, орттирилган қимматли тажрибалар, партия ва унинг аъзолари олдида истиқлол манфаатлари билан белгиланадиган сиёсий-мафкуравий вазифалар кўздан кечирилди. Партия Марказий ҳайъатининг раиси, академик Азизхон Қаюмов «Миллий тикланиш истиқлол хизматида» мавзуида маъруза қилди. Унда истиқлолимизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва тинмай ривожлантириб боришга қаратилган масалалар ўртага ташланди. Ҳозирги даврда миллий сиёсий онг, миллий иқтисодий онг, миллий маданий онгни тарбиялаш, ёшларга мустақил ватан муҳаббати ва истиқлолга жонини аямай хизмат қилиш руҳини сингдириш қанчалар муҳим аҳамият касб этаётгани, шу соҳаларда қилинадиган катта ишларнинг мажмуйи муҳокама қилинди.

Пленум кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан сўзга чиққан профессор Ҳамид Зиёев, профессор Тилаб Маҳмудов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Маънавият ва маърифат марказининг раиси Неъмат Аминов, ёзувчи Носир Фозилов, доцент Абдуғафур Расулов, шоир ва жамоат ходими Тўлан Низом, Қашқадарё вилоят партия ташкилоти раисининг ўринбосари Н. Ражабов, профессор Сайфи Жалил, профессор Карим Норматов партия халқ ўртасида маданий-оқартувнинг кенг спектрдаги ишларини долзарб, жанговар, маърифатли сиёсий фаолият билан чамбарчас қўшган ҳолда олиб бориши зарурлигини таъкидлаб гапирдилар. Партиянинг вазифаси ҳозир миллий онгнинг турли қирраларини уйғотиш, чархлаш, тоблашдан иборат. Партия маърифий жабҳалар билангина чекланиб қолмай сиёсий ва иқтисодий жабҳаларга кенг кириб борсин, ўз олижаноб таъсирини ўтказсин.

— Бизнинг партиямиз, — деди хусусан Неъмат Аминов, — маънавият партияси, миллий қадриятлар партияси. Лекин фақат шуларгина эмас. Биз шулар билан чекланиб қолсак, елкамизга қўйилган миссияларни тўла адо этмаган бўламиз. Партия ва унинг аъзоларига ҳозир фаоллик керак. Бутун кучимизни фаолликни авж олдиришга ташлайлик.

— Албатта, ўлкашунослик, тарихшунослик ҳам бизнинг тарғибот манфаатларимиз доирасига киради, — деди профессор Ҳамид Зиёев. — Лекин партиямиз — сиёсий партия. Ҳозир айни катта-катта сиёсий масалаларни кўтарадиган пайтимиз. «Миллий тикланиш» газетамиз ҳам, миллий истиқлол мафкурамиз ҳам шаклланиб етди. Газетамизда баҳс, мунозара, муҳокамаларни қизитайлик. Ҳозир одамлар онгини эски коммунистик догма-ақидалардан тозалашдан ҳам муҳимроқ вазифа бормикин? Президентимиз айтганидек, қишлоқда миллий онг ва миллий ўз-ўзини англашни иқтисодий ўзгаришлар билан чамбарчас боғланган ҳолда олиб боришни олдимизга кундалик вазифа қилиб қўйайлик.

— Бўзда партия аъзолари ҳозир олти юздан ошиб кетди, — деди Тўлан Низом. — Бу камтарин рақам. Лекин қисқа бир пайтда шунчалик аъзоларимиз кўпайгани партияга қизиқиш ортиб бораётганининг бир белгиси. Халқ ўртасида, ижтимоий ҳаётда партиянинг обрў-эътиборини ошириш ишларимизнинг муваффақиятли бўлишини таъминлайди.

Сўзга чиққанлар ёшлар, ўсиб келаётган навқирон авлодга Ўзбекистон миллий тикланиши ғояларини сингдириш, уларни шу олижаноб ғоялар руҳида тарбиялаш чора-тадбирлари тўғрисида батафсил тўхталдилар ва бу жуда ҳам муҳим ишнинг амалий тадбирларини белгиладилар.

Пленум кўрилган масалалар юзасидан қарор қабул қилди. Пленум жойларда бўлиб ўтган ташкилий ишларнинг натижаларини назарда тутиб, Марказий ҳайъат таркибига Карим Норматов, Саидбосит Файзуллаев, Турсун Дониёров, Баҳром Сатторов, Комилжон Мирзаев, Асқар Ортиқов, Ғайрат Шоумаров, Олимжон Ўринов, Сайфи Жалил, Маннон Алиевларни киритди. Манон Алиев ва Сайфи Жалил раёсат аъзоси бўлиб кирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси партия сайловда иштирок этиш юзасидан тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиб, уларни қонун талабларига тўғри деб топди ва Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясига сайловда қатнашишга ижозат бериш тўғрисида тегишли қарор қабул қилди. Шунга асосан партия пленуми 51-Хартум сайлов округида бўшаб қолган ўринга сайловда иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига партия Марказий ҳайъати раисининг биринчи ўринбосари, «Миллий тикланиш» газетасининг бош муҳаррири Ғафуров Иброҳим Усмоновични номзод қилиб кўрсатди.



Сирлашув ...

## МАҒРУР ҚАЛБ

Буюк зот эмасман, аммо қалб мағрур...

Биз Асқад Мухторни биламизми?

Биламиз: улкан ёзувчи, файласуф шоир, доно мураббий...

Дунёга келиб, тақдир буюрган ишни ҳалол бажариб, жимгина яшаб ўтаётган инсон...

Биз эса беҳуда шовқин-суронни биламиз, йўқ жойда ўзимизни кўрсатишни биламиз. Лекин оқибату андишани унутиб қўямиз гоҳо.

Камтаринликни, заҳматкашликни, сабот ва собирликни Асқад Мухтордан ўргансак бўлади.

Чинакам ижодкорга хос мискинликни ўргансак бўлади.

Фикрий жасоратни Асқад Мухтордан ўрганайлик!

Ўзбек халқи Асқад Мухторни билади ва севади.

Ўтган шанба куни Устоз 75 ёшга тўлди.

Туғилган кунида беморхонага жўнади.

Асқад Мухторга осонми? Осон бўлганми?

Асқад Мухтор тақдиридан розими?

Буни Асқад Мухтор каби яшаб, ижод қилиб, 75 ёшга кирган одамгина билса керак.

Дунё шу экан-да, Устоз. Инсоннинг қадри ҳар недан баланд, дейдилар...

Келиб-келиб биз Сизга дунёнинг ишларидан дарс берамизми!..

Аллоҳ ярлақасин Сизни!

**Эркин АЪЗАМ**



## ПАРТИЯДАН НОМЗОДИ КЎРСАТИЛДИ

Ўзбек олими, журналисти ва ёзувчиси Иброҳим Ғафуров 1937 йил 27 декабрда Тошкент шаҳрида дунёга келди. Ўрта мактабни тугатгач, 1956 — 1961 йилларда Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги Тошкент Давлат университети)да таҳсил олди. Мутахассис филолог бўлиб етишди. 1962 — 1982 йилларда Давлат бадиий адабиёт нашриётида муҳаррир, бўлим мудири, бош муҳаррир ўринбосари лавозимларида самарали хизмат қилди. Ўзбекистонда нашриётчиликнинг ривожига ўз муносиб ҳиссасини қўшди. Ноширлик соҳасидаги хизматлари учун у «Матбуот аълочиси» деган унвонга сазовор бўлди. 1982 — 1995 йилларда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида бош муҳаррир ўринбосари вазифасида ишлади. Газетанинг янги йўл, янги мундарижа касб этиши ва халқ орасида эътибор қозонишида бор куч-иқтидори, тажрибасини аямай сарфлади.



Иброҳим Ғафуровнинг илк асарлари эллигинчи йилларнинг охирларидан матбуотда пайдо бўлди. Ушандан бери неча юзлаб мақолалари, ўнлаб китоблари, жаҳон мумтоз адабиётидан қилган юксак таржималари, ҳужжатли филмлари дунё юзини кўрди. Унинг илмий-адабий фаолияти жамоатчилик ва ҳукумат томонидан муносиб тақдирланди. Унинг асарлари Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг мукофоти (1973) ва Давлат мукофотига (1989) сазовор бўлди. Бир гуруҳ меҳнат фидокорлари қатори Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан 1995 йилда «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. У фан номзоди. Иброҳим Ғафуров 1995 йилда мамлакатда демократик тамойилларнинг кучайиши натижасида бир гуруҳ атоқли зиёлилар билан бирга Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясини ташкил этишда фаол иштирок этди. Партиянинг шу йил июн ойида бўлиб ўтган қурултойи уни «Миллий тикланиш» газетасининг бош муҳаррири ва партия раисининг биринчи ўринбосари қилиб сайлади. Иброҳим Ғафуровнинг оиласи ва фарзандлари республика ҳаётининг соҳаларида ҳалол меҳнат қилмоқдалар.

## «АСНАМ-ТЕКСТИЛ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ДАДИЛ ИШ БОШЛАДИ

Бундан уч йил олдин Олмония билан Ўзбекистон раҳбарлари Тошкентда ва Олмонияда учрашиб, ҳамкорлик, иқтисодий ёрдам ва яхши қўшничилик борасидаги шартномаларга имзо чекдилар. Орадан озгина вақт ўтиб, Ўзбекистонда дастлабки қўшма корхоналарнинг лойиҳасини тузишга киришилди.

Ўша ҳаракатнинг биринчи меваси Наманганда пишди, «АСНАМ-ТЕКСТИЛ» қўшма корхонаси қурилиши бошланди. Олмониянинг банкирлари бу корхона қурилиши учун 48 миллион дойч-марка пул ажратишди. Унинг 6 миллионини Туркиянинг «АсТОП» фирмаси тўлайдиган, машиналарни эса олмонияликлар етказиб берадиган бўлишди. «АсТОП» фирмаси президенти Али Нарин эса бу ишга бош-қош бўлди.

Қурилишни «Мададкор» ўз зиммасига олди. Бош буюртмачи Ўзбекистон Республикаси Енгил санаот уюшмаси бўлди. «Шойи» ва Трикотаж ҳиссадорлик жамиятлари шериклик қилдилар.

... 18 ноябрь куни ҚЎШМА КОРХОНАни фойдаланишга топшириш маросими бўлди.

Бу корхона мустақил республикамиз истиқлолининг равнақига хизмат қилади. Бу ерда эндиликда уч юздан ортиқ ҳамшаҳарларимиз тер тўкадилар. У Она Туркистонимизни гуллаб-яшнатиш йўлида қўйилган муҳим қадам.

Олмония машинасозлари тайёрлаган титиш-саваш, саралаш, тараш, ўраш, қайта ўраш, тароқли тараш, йигирув машиналари ва лаборатория жиҳозларини туркиялик Ирфон Коккер ўқитган ишчи ва муҳандислар, шунингдек, технолог-мутахассислар: Ҳелмут Ҳаут, Вернер Бендик, Зигфирид Клаус, Питер Штенгел, Чандру, Шанмуган Экохард, Голбах, Аъзимжон Аълохўжаев. Носиржон Усмоновлар билан «Шойи» ҳиссадорлик жамиятининг устазодалари ҳамкорликда ўрнатдилар ва созладилар.

Энди 140 нафар ишчи-қиз — Ҳанифа Болтабоева, Жамила Низомова, Маҳбуба Ҳакимова, Муяссар Жамолова, Дилфуза Турғунова, Зуҳра Сатимова ва Шаҳзода Юсупова сингари фидокорлар бугун пахтани титиб, саралаб, ўраб, 65-рақамли ип йигирмоқдалар. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, бундай ип жаҳонда фақат Англия тўқимачилари томонидан тайёрланади. Ҳозиргача Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Ироқ каби 40 дан ортиқ мамлакат инглиз тўқимачиларидан йигирилган ип олиб трикотаж буюмлари тайёрлайди ва жаҳон бозорини ўз маҳсулотлари билан ҳайратга солиб келади. Ана шундай ип энди Наманган шаҳридаги қўшма корхонада тайёрланади.

Қўшма корхона бир йилда Ўзбекистон Республикаси енгил саноати уюшмаси орқали 4036 тонна пахта олиб қайта ишлайди. Ундан 3020 тонна 65-рақамли трикотаж иплари йигирилди. Жаҳон бозорида бу ипнинг ҳар килоси 3-7 АҚШ долларига сотилмоқда. Шу йилнинг охиригача 500 тонна ип йигириш мўлжалланмоқда. Ўтган ҳафтада бу иш билан 3 та бригада шуғулланган бўлса, бугун 4 та бригада аъзолари 24 соат давомида узлуксиз меҳнат қилиш режимига тўла ўтдилар. Технология жараёнининг бу системаси фақат чет мамлакатлардагина қўлланилган эди. 24 соат давомида узлуксиз ишлайдиган немис ихтирочиларининг йигирув машиналари жаҳон стандартига тўғри келадиган, аъло навли ип йигириш имконини бермоқда.

Бу ерда ишчи-хизматчилар учун ҳамма шарт-шароит муҳайё қилинган. Ишчилар ошхонаси, лаборатория биноси, савдо маркази, улкан қозонхона ишга тушган. «Наманганстальмонтаж» идорасининг азаматлари қозонхона қурилишини қисқа муддатда битказдилар. «Калория» хусусий фирмасининг мутахассислари уни созлаб ишга солдилар.

Қўшма корхона тўла ишга тушгач, у ерда 500 дан ортиқ хотин-қиз, ишлайди. Унинг маҳсулотлари четга чиқарилади. Демак, қўшма корхонанинг меҳнат жамоаси мустақил Ўзбекистонимизнинг равнақи учун хизмат қилади.

**Турғунпўлат СУЛАЙМОНОВ**

## ҚАДИМ ХАЛҚ ҲИКМАТЛАРИ

Икки одам бир-бири билан суҳбатлашса, охири бир-бири билан қариндош эканлиги билиниб қолади. Бунга асос шулки, дунёда яшаётган барча инсонлар Одам-Ато билан Момо Ҳаводан тарқалган.

Ким ишлаб пул топса, у пул-мол қадрини билур. Ишламай пул топган кимсаларни ўғри, порахўр дейиш мумкин.

Такаббур одам бировдан узр сўрамайди. Ҳатто ота-онаси ака-укаларидан ҳам.

Иблис Одам Атога сажда қилмай Худо лаънатига дучор бўлди. Иблис: — Мен оловдан яратилганман, одам лойдан яратилди. Нега мен унга сажда қилар эканман, деб такаббурлик қилди.

Осмондан ёмғир-қор ёғар, ер бу сувларни ютиб туради. Агар сувларни ютиб турмаганда, нима бўлар эди? Ер юзида тўфон бўлиб, инсонлар махлуқотлар ҳалоқ бўлур эди.

**Абдупаттоҳ ҳожи НАБИХЎЖАЕВ**

